Куч — адолатда

2015 йил
4 сентябрь,
жума
№ 35 (548)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги юртимизда катта шукуҳ, улкан шодиёна билан нишонланди. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридан тортиб барча шаҳару қишлоқларда "Бетакроримсан, ягонасан она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган байрам тантаналарида тинч ва осойишта ҳаёт манзаралари ёрқин намоён бўлди. Эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, севги, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар жозибали рақсларга уланди...

Истиқлол шукуҳидан мунаввар Ватан

Ҳа, ахир, бу кунни қанча байрам қилсак, қанча улуғласак кам. Чунки Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар яратди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, **мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.**

Дарҳақиқат, истиқлолгача бўлган даврда халқимиз бошидан не-не синов ва машаққатлар ўтмади. Бугунги дориломон кунларни, озод, эркин ва фаровон ҳаётни қанчаданқанча аждодларимиз орзиқиб кутган. Бу йўлда минглаб отабололаримиз жон фидо этган. Ҳар йили Мустақиллик куни арафасида мамлакатимизда 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланишининг замирида улкан рамзий маъно мужассам.

Анъанага мувофиқ, жорий йил 31 август тонгида "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари кенг нишонланаётган шу кунларда бугунги озод ва обод кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган аждодларимизнинг хотирасини ёд этар эканмиз, истиқлол туфайли юртимизда тарихий адолат қарор топганига, халқимиз ўтмишдан сабоқ чиқариб, буюк келажак сари дадил интилаётганига, бунда табаррук қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканига яна бир бор амин бўламиз.

* * *

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантанаси нафақат шу ерда йиғилган меҳмонлар, балки барча телеканаллар орқали тўғридан-тўғри трансляция қилингани боис юртимиздаги ҳар бир хонадонга, дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган ёру дўстларимизнинг қалбларига етиб борди. Бу ердаги кўтаринки кайфият, чексиз фахр-ифтихор туйғуси саҳнадан нигоҳларга, диллардан-дилларга кўчди.

"Ким эдигу ким бўлдик?". Бу савол байрам дастурининг асосий концепциясини ташкил этди. Мониторларда намойиш этилган ҳудудлардаги ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, меҳнатсевар юртдошларимиз сиймоси, фаровон бозорларимиз, тинч-осойишта ҳаётимиз мазкур саволга жавоб бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу айни пайтда эртага ким бўлишимиз, қандай марраларни эгаллашимизга ишонч туғдирди.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият

Суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиланишлар ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

24 йил. Тарихан қисқа бўлган ушбу давр мобайнида халқимиз барча жабҳаларда асрларга татигулик ютуқ ва натижаларни қўлга киритди, юксак марраларни эгаллади. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Бинобарин, айнан шундай ёндашув туфайли бу соҳадаги ишлар кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги йилларда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилаётир.

Ўтган даврда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суд мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузум пайтида бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш органи сифатида эмас, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Кассация инстанциясининг тубдан ислоҳ қилингани ва суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам соҳадаги муҳим ўзгаришлардан бўлди. Бу янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган, 2014 йилда эса бундай ҳолатларнинг 88,7 фоиздан зиёди апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган.

2014 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга мувофиқ, апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни судда кўриш муддати йигирма кундан бир ойгача узайтирилди. Бу ҳам биринчи инстанция судлари қабул қилган қарор устидан тушган шикоят (протест)ни кўриш жараёнида тарафларга ўз тушунтириш ва важларини далиллар билан асослаб бериши, суднинг ишни ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиб, адолатли қарор чиқариши учун имкониятни кенгайтирди.

(Давоми иккинчи бетда)

Миллий тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда қонунийликка тўлиқ риоя этиш билан бир қаторда, халқимизга хос азалий урф-одатлар, чунончи, ахлоқ-одоб қоидаларига, юксак маънавият тамойилларига амал қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Huquqiy ma`rifat

Инсон одоби билан гўзал

Буларнинг барчаси, албатта, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Бироқ ҳаётда халқимизга хос ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этмайдиган, ўзининг салбий хулқ-атвори билан осойишта турмушимизга рахна солишга уринадиган, содда қилиб айтганда, безорилик қилмишига қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туриши ачинарлидир.

Шунинг учун ҳам жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик билан содир этиладиган безорилик жиноятига нисбатан қонунларимизда тегишли жавобгарлик белгилаб қўйилган. Қонун тили билан айтганда, безорилик жинояти шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш, жамоат тартибини бузиш йўли билан содир этилади.

Шу ўринда жамоат тартиби тушунчасига тўхталадиган бўлсак, жамоат тартиби деганда, одамлар ўртасидаги муносабатларни, хавфсизлик ва фуқаролар тинчлигини таъминловчи, ўзгалар мулкини сақлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, жамоат ва давлат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлашга қаратилган ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрлари ёрдамида ўрнатилган тартиб назарда тутилади.

Безорилик, айтиб ўтганимиздек, жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказишда ифодаланади.

(Давоми учинчи бетда)

Iftixor

Тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик нишонаси

Мамлакатимиз умумий аҳолисига нисбатан 100 ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллади

Бир вақтлар ватандошларимиз юқори кўрсаткичларга эришаётган хорижий давлатлар ҳақида ўқиганда, эшитганда уларнинг тараққиётига ҳавас қиларди. Ўзбекистонимизни ҳам улар сафида кўришни истарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида биз орзу қилгандек, ҳатто илғор давлатлар ҳам ҳавас қиладиган натижаларга эришмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар, статистика қўмиталари ва экспертлар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда қўлга киритилаётган бетимсол ютуқларимизни юксак баҳоламоқда.

Яқинда "Эл-Висти" ахборот маркази узоқ умр кўрувчи инсонлар яшайдиган мамлакатлар рейтингини ўрганиш бўйича таҳлил ўтказди. Унга кўра Ўзбекистон умумий аҳолисига нисбатан юз ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича Буюк Британия ва Японияндан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Мазкур рейтинг 2014 йил бошидан буён жаҳон электрон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган материалларда келтирилган маълумотлар, факт ва рақамлар, эксперт ва мутахассисларнинг хулосалари асосида тузилган.

(Давоми учинчи бетда)

Жамила бувисининг қўлида ўсди. Робия буви қизалоққа онаси йўқлигини билдирмасликка интилди. Бувисининг тарбиясини олган Жамила одобли, меҳнатсевар бўлиб улғайди. У ўн етти ёшга еттанида совчилар кела бошлади. Қизни она меҳрига ташна қилмай вояга етказган Робия буви "беш куним борми, йўқми, эртароқ набирамнинг тўйини кўрай", деб совчиларни рад қилмади. Тўй тараддуди бошланди.

Turmush chorrahalarida

Фарзандингизни бахтсиз қилиб қўйманг

Бувисидан турмушга узатилаётганини эшитган Жамила ҳали ёш эканини, олий ўқув юртига кирмоқчилигини, келажакда бирор касбнинг бошини тутишини айтиб, тўйни рад этди. Бундан маҳалла фаоллари хабар топди. Фуқаролар йиғини, туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари Жамиланинг хонадонига келиб, бувисига вояга етмаган қизни турмушга узатишнинг ҳуқуқий, тиббий-ижтимоий оқибатларини батафсил тушунтирди. Маҳалла маслаҳатчиларининг тушунтириши ва Жамиланинг қатъияти билан эрта никоҳнинг олди олинди.

Ҳа, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг розилиги билан уларни никоҳлаш оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Конституциямизнинг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади", дея белгилаб қўйилган.

— Қизларнинг эрта турмушга чиқиши кўпинча жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, — дейди психология фанлари номзоди, доцент Лутфилла Турсунов. — Оила қуришга тайёр эмаслиги сабабли бу ёшдаги қизларда қўрқув кучли бўлади. "Тайёрлаган овқатим бемаза чиқмадими, ишларни тўғри бажараяпманми?", деган саволлар унинг руҳан эзилишига олиб келади.

Бу ҳолатни англаб етмаган баъзи қайноналар "келиним касал", деб шифохонага чопади. Қизларнинг 21-22 ёшда турмуш қуриши энг муқобил даврдир. Бу ёшда бўлажак онада бош мия деярли тўла ривожланиб, унинг жисмоний ва руҳий ҳолати барқарорлашади. 22-27 ёш оралиғидаги аёл етук шахс бўлиб, бу ёшда уларнинг ҳомиладорлиги нафақат исталган, балки ижтимоий қўллаб-қувватланган бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Яқинда олди-сотди шартномасини тасдиқлатиш мақсадида нотариал идорага мурожаат этган эдик. Аммо нотариус ҳужжатларда чизилган белгилар борлиги учун қабул қилмади. Айтинг-чи, унинг бундай йўл тутиши тўғрими?

Суннатилло УМИРОВ,
Хоразм вилояти, Боғот тумани

— Ҳа, нотариус тўғри йўл тутган. Чунки амалдаги "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар белгиланган. Унга кўра, нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган ҳужжатларни, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатларни қабул қилмайди.

Шунингдек, нотариал тасдиқланадиган битимларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари эса — улар органларининг манзилларини кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилиб, яшаш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

Отамнинг кўзи ожиз. Шу боис, одатда, отамни мен етаклаб юраман. Айтинг-чи, бундай пайтда шаҳар транспортидан мен ҳам бепул фойдаланишим мумкинми?

Искандар ХУРРАМОВ,
Жиззах вилояти, Фориш тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги "Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар тоифаси белгилаб қўйилган. Ушбу модда талабига асосан, шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига фақат — 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар; 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс; 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар; Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар; ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар; Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар; кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахслар бундай ҳуқуққа эга.

Демак, сиз ҳам шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланасиз.

Айтинг-чи, жиноят процессида ҳимоячининг ишда иштирок этишига қачондан бошлаб рухсат берилади?

Амина ШОКИРОВА,
Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани

— Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига кўра, ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячи сифатида адвокат иштирок этиши мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса, унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

Айтинг-чи, транспорт воситасидан фойдаланиш жараёнида автобус ҳайдовчиси етказган зарарни тўлаш мажбурияти кимга юклатилади?

Ю.МУРОДОВ,
Бухоро вилояти, Жондор тумани

— Фуқаролик кодексининг 999-моддасига мувофиқ, фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлаши шарт.

Зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулкий ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади.

Қайд қилинган қонун нормасига кўра, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан ушбу транспортдан фойдаланиш жараёнида жиноят содир қилиниши натижасида етказилган зарарни тўлаш мажбурияти транспортга эгалик қилувчи шахсга юклатилади.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судининг раиси Наврўз АШУРОВ жавоб берди.

Islohot va samara

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари – олий қадрият

Суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиланишлар ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилгани ҳам муҳим воқеалардан бўлди. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтни самарали қўллаш натижасида шу йилнинг ўтган даврида 6,5 минг, у амалиётга жорий қилинганидан буён эса 169 минг нафардан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг бағрикенглик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлмоқда.

Кези келганда айтиш керакки, амнистия акти — мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга ҳурмат сиёсатининг амалдаги ифодасидир. Зотан, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириш, уларга инсонпарварлик актини қўллаш бундай шахснинг ҳар қандай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган давр мобайнида 25 марта амнистия акти эълон қилинди. Амнистия актидан кўзланган мақсад — фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки шунинг орқасидан жабр тортадиган уларнинг оила аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган норасида ўғил-қизларининг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборат.

Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш жараёнида ҳам ана шу тоифаларга мансуб шахсларни жазодан озод қилишга алоҳида эътибор қаратилганлигини айтиш зарур. Амнистия тўғрисидаги қарор кучга кирганидан кейин ўтган уч ой мобайнида мазкур ҳужжат 52 минг 498 нафар шахсга нисбатан қўлланилди. Шундан 7 минг 865 нафари ёки 15 фоизини аёллар, 1 минг 174 нафари ёки 2,2 фоизини вояга етмаган шахслар ташкил этгани ҳам юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди.

Яқинда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва янада либераллаштириш йўлида ўлим жазоси бекор қилинганига 10 йил тўлди. 2005 йил 1 августда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. Фармон қабул қилинган кундан бошлаб ўлим жазосига маҳкум этилган шахсларнинг биронтасига нисбатан бу жазо ижро этилмади. Бошқача айтганда, ўлим жазоси тўғрисидаги суд ҳукми ижро этилишига де-факто мораторий эълон қилинди.

Ғоятда катта ижтимоий-сиёсий ва халқаро аҳамиятга молик бўлган ушбу тарихий воқеа нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамиятининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Чунки эндиликда юртимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун тайинланади. Айни чоғда бу жазо тури хотин-қизлар, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳамда ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистонда бундан ўн йил олдин ўлим жазосининг бекор қилинганги, аввало, конституциявий қоидалар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганини англатади. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 24-моддасида: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир", деб мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, 13-моддасига биноан, "инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият" ҳисобланади. Ушбу меъёрлар инсон қадр-қимматини улуғлаш, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш, жамоатчилик онгу шуурига халқимизга хос бўлган эзгулик тамойилларини сингдириш, Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро мажбуриятларнинг самарали бажарилишида муҳим омил бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш ва соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

2007 йил 11 июлдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асоси яратилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлатимиз раҳбари томонидан "Хабеас корпус" институти қўлланилиши доирасини кенгайтириш мақсадида судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш таклиф этилди. Бу ҳам суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада юксалтирди. Мазкур Концепция асосида ишлаб чиқилган ва 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида судга қадар иш юритув босқичида шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати судларга ўтказилди. Бу, аввало, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликлари дахлсиз экани, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норма амалда таъминланаётганининг яққол далилидир.

Шунингдек, 2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Жиноят-процессуал кодексида белгиланган эҳтиёт чоралари доираси кенгайтирилди. Яъни уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судларга ўтказилди. Шу билан бирга, бир томондан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини одил суд орқали муҳофаза қилиш имконияти янада кучайди ҳамда қўшимча кафолатлар белгиланди. Қолаверса, суд мустақиллиги ва унинг таъсирчанлиги янада оширилди. Бу фуқароларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташлангани ҳам эътиборга молик.

Табиийки, бу ислоҳотлар ўз самараларини амалда яққол намоён этмоқда. Жумладан, 2014 йили озодликдан маҳрум қилинган шахслар сони 2000 йилдагига нисбатан икки баробар камайди. Жиноий жазолар либераллаштирилганидан буён 768 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 31 минг 800 нафардан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг янгиланиб бориши ва жадал тараққий этиши, юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашиб бориши натижасида фуқароларнинг хусусий мулк эгаси бўлиши учун қулай имкониятлар юзага келди. Бу, ўз навбатида, хусусий мулкни тасарруф этишга тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан судларга мурожаат қилишнинг кўпайишига олиб келди. Биргина шу йилнинг дастлабки олти ойида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 129 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Бу ишларнинг 88 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилди, шундан 89 фоизи бўйича даъво талаблари қаноатлантирилди.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Унда тадбиркорлик субъектларининг солиқ ва божхона қонунчилигини бузгани муносабати билан улар мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилиши белгиланди.

Мазкур Фармонда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун жорий йилнинг 21 августида эълон қилинди.

Шу ўринда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳақида ҳам қисқача тўхталиш зарур. Бинобарин, мазкур ҳужжат асосида жиноят қонунчилигига навбатдаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Янги қонунга биноан, озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, миллий қонунчиликка киритилган бу янгиликлар жазонинг адолатлилик принципини тўлиқ рўёбга чиқаришга, айбдор шахсларни жамиятдан кескин ажратмаган ҳолда уларнинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши учун зарур шарт-шароит яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга ҳамда халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишни давом эттиришга хизмат қилади.

Судья ва суд ходимларининг касб маҳорати ҳамда малакасини янада ошириш масалалари хусусида сўз борганда, биргина жорий йилнинг ўтган даврида Республика юристлар малакасини ошириш марказида вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг 152 нафар судьяси малака оширганини қайд этиш лозим. Марказда таҳсил олган номзодларнинг 36 нафари судьялик лавозимига тайинланди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган бу чора-тадбирлар судьялар таркибининг сифат жиҳатидан мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда бошқа фармонларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Шу ҳужжатлар асосида юртимизда судьялар ва суд ходимлари ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди, судлар моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Айни чоғда туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолияти янада такомиллаштирилди. Буларнинг барчаси, албатта, аҳолига зарур қулайликлар яратмоқда, энг муҳими, суд ишларини ўз вақтида, самарали кўриб чиқишга хизмат қилмоқда.

Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Ушбу конституциявий тамойилнинг амалдаги ифодасини судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишларини кўриб чиқиш чоғида халқ маслаҳатчилари иштироки тўлиқ таъминланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишини кўришда икки нафар халқ маслаҳатчиси иштирок этмоқда. Бу эса ишни холис ҳал этиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли муҳофазасини таъминлашда қўл келаётир. Ўтган йилнинг апрель-май ойларида республика халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови ўтказилди. Ушбу сайловда 15 минг 744 нафар халқ маслаҳатчиси сайланди ва улар ҳозирги кунда судлов жараёнларида самарали фаолият юритмоқда.

Суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича ҳам изчил иш олиб борилмоқда. "Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган "E-SUD" миллий электрон судлов ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан муваффақиятли ўтди. Ушбу тизим орқали шу йилнинг биринчи ярмида 11 мингга яқин суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза электрон шаклда келиб тушди ва судда кўриб чиқилди. "E-SUD" миллий электрон судлов ахборот тизими ҳозир Тошкент шаҳридаги яна 3 та фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судида ўрнатилди. Йил охирига қадар ушбу тизим ўрнатилган судлар сони 9 тага етади.

Илғор ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги амалий ишлар низолашувчи тарафларга қулайликлар яратади, ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш, ишнинг боришини интернет орқали кузатиш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш имконини беради.

Мухтасар айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш, жиноят ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг амалда мустақиллигига эришиш, суд назорати институтини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳамда унинг учун муносиб турмуш шароитлари яратишдан иборатдир.

Шоюнус ГАЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

(«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 28 август сонидан олинди)

E`tirof

Истиқлол шукуҳидан мунаввар Ватан

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ночор иқтисодиётдан, "шок терапияси" каби номаъқул моделлардан бутунлай воз кечиб, машҳур беш тамойилга асосланган, дунёда "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олди.

Яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланди.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг қарийб 77 фоизи меҳнат қилаётир.

Мамлакатимиз эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётир. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда кейинги 3 йилда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани инсонга эътиборнинг яна бир намунаси бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга хизматлари сингган, уйимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, муносиб ҳаёт кечиришлари учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, улкан сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Сайлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, Конституциямиз ва қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг самарасида сайловларнинг халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шакилланди.

Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари янада мустаҳкамланди. Замонавий демократик талабларга жавоб бера оладиган суд тизими шакилланди.

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити қарор топган. Республика Байналмилал маданият марказининг самарали фаолият кўрсатаётгани юртимизда миллатлар ва динлараро тотувликни таъминлашга доир оқилона сиёсатнинг амалдаги ёрқин намунасидир.

Азиз байрамдан улкан таассуротлар олган юртимиз фарзандлари ўқув йилининг илк кунини Мустақиллик дарслари билан бошладилар. Эндигина мактаб остонасини ҳатлаган жажжи кичкинтойлардан тортиб, талабалик аталмиш олтин даврга қадам қўйган тенгдошларим қалбига мустақиллик аталмиш бебаҳо неъмат, Ватанга муҳаббат туйғуси яна бир бор муҳрланди.

Мустақиллик дарслари самарадорлигини таъминлаш мақсадида, ўн мингдан ортиқ малакали профессор-ўқитувчи, таниқли олимлар, соҳа мутахассислари жалб қилинди. Ушбу дарсларда Мустақиллик халқимиз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар эшигини очиб берганини ёш авлод шуурига таъсирчан услуб ва шаклларда етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш ўринлики, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш тизимлари тубдан ислоҳ қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги барча мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, юзлаб янги мактаблар бунёд этилди.

Биргина 2015 йилги инвестиция дастурига мувофиқ, 384 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 29 та билим маскани янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, қолган таълим даргоҳларида реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу эзгу мақсадларга жами 341,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Давлатимиз раҳбарининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ўғил-қизларга билим масканига илк бор қадам қўйганданоқ хорижий тиллар ўқитилмоқда. Жорий ўқув йилида биринчи синфга қабул қилинган ўқувчилар учун жами 641,3 минг нусха чет тили дарслиги, иккинчи синфларга 591,9 минг нусха дарслик ва машқ дафтари, учинчи синфлар учун 593 минг нусха дарслик ва машқ дафтари, ўқитувчилар учун 62,6 минг нусха методик қўлланма ва мультимедиа иловалари чоп этилиб, мактабларга етказилди. Бу эртамиз эгаларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтириб, пухта билим олишига замин яратади.

Жорий йилда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг биринчи синфига 631 минг нафардан зиёд ўғил-қиз қабул қилинди. Ўқув йилининг дастлабки кунида уларга, анъанага кўра, 12 номдаги ўқув анжоми, дарсликлар ҳамда ўқувчи сумкасидан иборат Президентимиз совғалари тантанали топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик байрамининг юксак даражада ўтказилгани, байрам билан боғлиқ бошқа тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилгани мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этишга хизмат қилиши билан бирга, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантирди. Истиқлол айёми шукуҳи ҳамон кезиб юрган юртимизда барчанинг чеҳрасида мунаввар-лик, қалбида эртанги кунга ишонч барқарор!

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Iftixor

Тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик нишонаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

4,5 миллион материал ўрганилган мазкур тадқиқотда дунё мамлакатлари юз ёш ва ундан ошган инсонларнинг умумий миқдори бўйича ҳам қиёсланган. Унга кўра, Ўзбекистон дунёда олтинчи ўринда қайд этилган.

Хўш, халқимизнинг умр кўриш даражаси йил сайин узайиб бораётгани замирида қандай омиллар мужассам?

Мутахассислар инсоннинг узоқ умр кўриши унинг соғлом ва бахтли ҳаёт кечириши, тинч-хотиржам яшаши билан узвий боғлиқ эканини таъкидлайди.

Ўзбекистон истиқлол йилларида тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинлиги олий қадрият сифатида эъзозланадиган, иқтисодиёти изчил тараққий этиб бораётган мамлакатга айланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий ўзгартирилиб, саноат ва инфратузилма тармоқлари изчил ривожланмоқда. Шу билан бирга, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағлар йўналтирилаётир.

Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди. Аҳолининг реал даромадлари, жон бошига ҳисоблаганда, қарийб 9 баробар ошди.

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётгани халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифати изчил юксалиб бораётганини кўрсатади.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари қишлоқ аҳолисининг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун кенг имкониятлар яратмоқда, эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда.

Психологларнинг таъкидлашича, ўз турмушидан қониқиб, яқинларининг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб, эртанги кунга ишониб яшайдиган инсон узоқ умр кўради.

Халқимиз орасида меҳр-оқибат муҳитини янада яхшилашга, айниқса, ёши улуғ инсонларга ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани ана шу хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ҳозирги даврда аҳолининг ҳаёт сифати одамларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи билан ҳам ифодаланади. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсонни ривожлантириш концепциясида қайд этилган энг муҳим мезонлардан биридир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача умр кўриши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида 75 ёшга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда юз ёшдан ошган 8 700 табаррук отахон ва онахон истиқомат қилаётгани барчамизга чексиз мамнуният бағишлайди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бормоқда.

Замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги соғлом авлод тарбияланмоқда. Бугунги кунда 2 миллиондан ортиқ ёшлар, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизлар спорт билан мунтазам шуғулланаётгани соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганининг амалий исботидир.

Буларнинг бари "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун" тамойили жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланганидан далолатдир.

Қўлга киритилаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони, шубҳасиз, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикдир. Зеро, тинчлик барқарор юртдагина ислоҳотлар самара беради, тараққиёт бўлади, одамлар ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб, хотиржам яшайди.

Ўзимиздан қиёс: ҳар куни тинч-хотиржам уйғонамиз, яхши кайфиятда нонушта қиламиз. У-бу нарса кам бўлса, "ғиз" этиб дўконга чиқиб келамиз. Дўконда ҳамма нарса бор...

Хурсанд бўлиб ишга жўнаймиз. Режалаштириб қўйган ишларимизни бажаришга шошиламиз. Ишдан қайтаётиб, болаларга майда-чуйда олай, деб дўкон ёки супермаркетга кирамиз. Ҳамма нарса кўзимизга яхши кўриниб, кўнжимизни тўлдириб, бозорлиқ қилиб чиқамиз. Оиламизни хурсанд қилиш учун яна уйга шошамиз.

Биз учун одатий ҳол бўлган бу ҳаёт тарзи аслида жуда катта неъмат. Тинчлик туфайли дўконлару бозорларимиз тўла, дастурхонимиз тўкин. Ўйин-кулги, тўй-томоша, байрамларимиз шукуҳли.

— Кўпчилик "Шу ёшга киришингизнинг сабаби нимада?" деб сўрайди, — дейди оҳангаронлик 103 ёшли отахон, "Шуҳрат" медали соҳиби Анорбой Бердалиев. — Бунинг жавоби жуда оддий: хотиржамлик, кўнгил тўқлиги, шукроналик, қолаверса, доимо ҳаракатда бўлиш, вақтида дам олиш, зарарли одатларга берилмаслик, қўлидан келган ёрдамини ҳеч кимдан аямаслик, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшашдир.

Ҳа, мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамлик ва фаровонликнинг, меҳр-оқибат муҳитининг барқарорлиги туфайли халқимиз бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ. Одамлар эзгу орзу-интилишлар, юксак мақсадлар билан яшамоқда. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ҳар биримизга, Ватанимиз келажагига дахлдордир.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Turmush chorrahalarida

Фарзандингизни бахтсиз қилиб қўйманг

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мутахассисларнинг фикрича, оналикка тайёр бўлмасдан оила қуриш қизлар саломатлиги учун ҳар жиҳатдан хавфлидир. Бундай пайтда кўпинча туғруқ жараёнида ўлим хавфи ортади ёки руҳий касаллик пайдо бўлади. Бундан ташқари, эрта ёшда турмуш қуриб, тайинли касбга эга бўлмаган ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши мушкул.

— Эрта ҳомиладорликнинг олдини олиш жамият учун жуда муҳим, — дейди Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими мудири Сабоҳат Эшмуродова. — Шу боис бу борадаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш зарурати туғилди. 2013 йил 30 апрелда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартишлар киритилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47^3-моддаси бўйича эндиликда никоҳ ёшига етмаган шахс билан амалда никоҳ муносабатларига киришиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишга сабаб бўлади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача жарима солишга олиб келади.

Қонунда никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланган дин пешволари энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача жаримага тортилади.

Айрим ота-оналар "Қизимни тезроқ турмушга берсам, бувиси ёки бобоси тўйини кўрарди", "Ўзига тўқ хонадон экан, қизимиз бахтли бўлади", деган қараш билан ўз фарзанди келажаги ҳақида "қайғуради". Мана шундай ота-оналарга тушунтириш мақсадида барча туман, маҳаллаларда хотин-қизлар қўмитаси, мутахассислар иштирокида аҳоли вакиллари билан мунтазам давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Таълим даргоҳларида қиз болани барвақт турмушга бериш, эрта фарзанд кўриш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлиги борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ўн учта касб-ҳунар коллежи, тўртта академик лицей фаолият кўрсатади. Мазкур таълим даргоҳларида ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш билан бирга, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ёш оила қурувчилар мактаби", "Никоҳ ва оила" тўгаракларида шу мақсадда ташкил этилган. Бу тўгаракларда ўқувчилар педагоглар, психологлар, шифокорлар билан соғлом оилани шакллантиришнинг тиббий-ҳуқуқий асослари, никоҳ шартномасининг аҳамияти ҳақида очиқ мулоқотлар олиб бормоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар ҳамда таълим муассасаларида ташкил этилган "Ораста қизлар", "Маҳалламиз маликаси" мавзуларидаги машғулотлар қизларнинг билимини бойитиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда коллеж ва лицейларда таҳсил олаётган қизлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, таълим масканлари ҳамкорлигида бу йўналишда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оилаларда тиббий маданиятни кучайтиришга оид тарғибот-тушунтириш ишлари мунтазам йўлга қўйилган, — дейди Чилонзор туман ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий мухофоза қилиш мажмуаси бош мутахассиси Ширин Содиқова. — Маҳаллаларда бешта йўналиш бўйича саломатлик секторлари шакллантирилган. Мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ўртасида эрта никоҳнинг оқибатлари ҳақида давра суҳбатлари олиб бормоқдамиз. Яқинда туманимизда ўн нафар балоғат ёшига етмаган коллеж ўқувчисини турмушга бераётгани ҳақида маълумот олдик. Ушбу хонадонларга маҳалла фаоллари билан бориб, тушунтириш ишлари олиб бордик. Ота-оналарга эрта турмушнинг зарарларини ҳаётий мисоллар билан тушунтирдик. Натижада кўнгилсизлик бартараф этилди.

Соғлом фарзандни тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Шундай экан, ҳали балоғатга етмаган ёшларни турмушга бериш ёхуд уйлантириш оқибатида уларга жисмоний ва маънавий зарар етказиб қўймайлик.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

Huquqiy ma`rifat

Инсон одоби билан гўзал

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу боис ушбу қилмишга нисбатан амалдаги Жиноят кодексининг 277-моддасида жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Мазкур модда мазмунига кўра, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши керак. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар ва жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган тақдирда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб топилади.

Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисмида баданга ўртача оғир шикаст етказиб; бир гуруҳ шахслар томонидан; совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб; ўз мазмунига кўра, умумэътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан, ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб; кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиш каби қилмишларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Безорилик ҳаракатларини Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "г" банди билан квалификация қилишда суд айбдорнинг айнан қайси ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик деб баҳоланаётганлигини ҳукмда кўрсатиши шарт. Безорилик ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик билан содир этилган деб топиш масаласини ҳал этиш чоғида суд ишнинг муайян ҳолатлари мажмуидан келиб чиқиши ҳамда содир этилган жиноятнинг хусусияти, вақти, жойи ва шарт-шароитларини инобатга олиши керак.

Мазкур модданинг 3-қисмида безорилик такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб; оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда; жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Айтиш керакки, жамоат тартибини қўриқлаш вазифасини бажарувчи ҳокимият вакили ёки жамоатчилик ёхуд безорилик ҳаракатига қаршилик қилган фуқаро баданига ўртача шикаст етказишни келтириб чиқарган қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ безорилик ҳаракатлари Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан малакаланади.

Агар безорилик ҳаракатларини тўхтатиш чорасини кўраётган шахсга қаршилик кўрсатиш пайтида ишлатилган зўрлик натижасида айбдор томонидан яна бошқа оғир жиноят содир этилган бўлса, бу ҳол безорилик жинояти таркиби билан қамраб олинмайди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган майда безорилик давомида жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд бундай ҳаракатларни тўхтатиш чорасини кўрган фуқарога нисбатан қаршилик кўрсатилса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари, кўрсатилган қаршиликнинг хусусиятига қараб, Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилинади.

Тергов органлари шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорида, айблов хулосасида, суд эса ҳукмда қайси аломатларга кўра, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 277-моддасининг тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинганини аниқ кўрсатиши шарт.

Агар суд, айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий ҳолатга кўра, айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд деган фикрга келса, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаради. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, суд айбдорнинг ҳаракатини мазкур модданинг муайян қисмидаги бир банддан ўша қисмдаги бошқа бандга қайта квалификация қилишга ҳақли эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, безорилик — халқимизга хос бўлган каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, жамоат жойларида ўзини тута билиш каби инсоний фазилатларга мутлақо зид бўлган салбий хулқ-атвор ҳисобланади. Зотан, халқимиз "безоридан барча безор", деб бежиз айтмаган. Шундай экан, ушбу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Файзулла АТАБАЕВ,
Олий суд судьяси

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик – умр мезони

қинғирлик эса, кишини юзшувут қилади

Мамлакатимизда халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, муносиб ҳаёт кечириши учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЭЪЛОН!

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига қуйидаги талаблар асосида ҳужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажи камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2015 йилнинг 2 сентябрь ҳолатига кўра, қуйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, 1 нафар раис ўринбосари ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 5 нафар судьялик, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 3 нафар раислик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Андижон вилояти:

жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 1 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Бухоро вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг раиси, 4 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 4 нафар раислик лавозимлари;

Жиззах вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Қашқадарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозими;

фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси, 4 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

Навоий вилояти:

жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 1 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

Наманган вилояти:

жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти туманлараро судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

Самарқанд вилояти:

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Сирдарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари, 2 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

Сурхондарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Фарғона вилояти:

жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 4 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

Хоразм вилояти:

жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Тошкент вилояти:

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 5 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 7 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозимлари;

Тошкент шаҳри:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 4 нафар судьялик ва туман судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари вакант.

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фикрномалар (камида учта) илова қилинади.

Судьялик лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака ҳайъатига мурожаат этишлари мумкин.

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик – умр мезони

қинғирлик эса, кишини юзшувут қилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизнинг барча ҳудудларида янги лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уйлар ҳам айни шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, биргина ўтган йилнинг ўзида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари ушбу янги мавзеларда аҳоли учун инфратузилмалар — қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, спорт ва болалар майдончалари, маҳалла гузари, маданий-маиший иншоотлар барпо этилди. Жорий йилда эса, намунавий лойиҳалар асосида барпо этиладиган уй-жойлар сони яна мингтага кўпайиб, 12 мингтани ташкил этади.

Айтиш керакки, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар фақат юқоридагилардан иборат эмас. Бундан ташқари юртимизда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратишнинг аниқ тартиб-қоидаси ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрда қабул қилинган "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига кўра, ҳар бир шахс якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб, туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Мазкур қарорда "Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари кимошди савдоси асосида фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади" деб қатъий белгилаб қўйилган. Буни қайд этишдан кўзланган мақсад шуки, белгиланган тартиб-қоидадан четга чиқиб, ноқонуний йўллар билан уй-жой қуриш учун ер майдони ажратишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Бироқ ҳаётда ушбу қонун талабларига риоя қилмайдиган, аниқроқ айтганда, нафс қутқусига учиб ноқонуний қилмишларга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Яқинда Зомин туман суди очиқ суд мажлисида Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а", "б", "в", "г"-бандлари, 205-моддаси 2-қисми "в" банди ва 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбдор деб топилган Отаёр Назаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) Фарҳод Шералиев, Дамир Жўраев, Насимжон Аббосов, Эрали Қобилов, Шавкат Ботиров ҳамда Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "в" банди ва 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан судланган Баҳодир Турсуновларга тегишли жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди.

Айтиш керакки, ушбу жиноят тафсилотлари билан танишган киши юқорида номлари қайд этилган кимсалар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, фирибгарлик, алдаш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш, компьютер техникаси воситасидан фойдаланган ҳолда такроран фирибгарликка қўл уриш, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар, ёзувлар киритиш ва қалбаки ҳужжатларни фуқароларга тақдим этиш сингари қилмишларга қўл урганига гувоҳ бўлади.

Аниқроқ айтганда, туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи О.Назаров, туман Ер-мулк қадастри давлат унитар корхонаси раҳбари Ф.Шералиев, "Sohibqiron o'gitlari" масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги ҳамда "Universal ko'chmas mulk rieltori" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Д.Жўраевлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиради. Улар ўзганинг мулкини қўлга киритиш каби ғараз ниятда одамларга туманнинг бир қатор маҳаллалари ҳудудидан ер ажратиб беришни ваъда қилишади. Ҳамтовоқлар бу ғаразли ниятларини амалга ошириш учун ўзларининг алдовига учган кишилар кимошди савдосида қатнашгани тўғрисида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, туман Ер ресурслари ва давлат қадастр бўлимида шартнома асосида фаолият юритиб келаётган Н.Аббосов, Э.Қобилов ва Ш.Ботировлар орқали уларга тақдим этади.

Бу ҳамтовоқларга туман архитектура ва шаҳарсозлик бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган Баҳодир Турсунов ҳам гумашталик қилган. Айтиш керакки, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг Низомида "Зомин шаҳарчаси, қишлоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқ орасидаги худудларни режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши бўйича назорат ишларини олиб бориш, ажратилган ер участкаларининг чегарасини, қурилиш объектлари жойлашувини қизил чизиқлар асосида харитага тушириш билан боғлиқ топография-геодезия ишларини, қидирув-режалаштирув ишларини ҳамда бажарилган ишларни техник назорат қилиш ва уларни қабул қилиш" белгилаб қўйилган бўлса-да, Б.Турсунов амалдаги тартиб-қоидаларга зид равишда иш тутган. У "Sohibqiron o'gitlari" масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги ҳамда "Universal ko'chmas mulk rieltori" масъулияти чекланган жамиятининг аукцион савдосида рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномаларнинг қалбаки эканини билгани ҳолда бу сохта ҳужжатларни мухр билан тасдиқлаган.

Фирибгарлик, қалбакилаштириш ва сохтакорлик ортидан мўмай даромадга кўз тиккан О.Назаров, Ф.Шералиев, Д.Жўраев, Н.Аббосов, Э.Қобилов, Ш.Ботиров ва уларнинг жиноий шериги Б.Турсунов тўрт йил давомида содда ва ишонувчан одамларни алдаб, уларнинг пешона тери эвазига топган мулкини ўзлаштиришган ва ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборишган.

Маълумки, ҳаётда фирибгарлик, ўзгаларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳеч қачон яхшилик билан якун топмайди. Буни юқорида баён этилган воқеа мисолида ҳам яна бир карра кўриш мумкин. Чунки юқорида номлари қайд этилган ҳамтовоқлар қилмишлари учун охир-оқибат қонун олдида жавоб беришди. Суд судланувчиларнинг ҳар бирига қонуний жазо тайинлади. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш учун вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига судланувчилар томонидан тўланган 33 миллион 399 минг сўм ушбу жиноят иши бўйича жабрланувчиларга белгиланган миқдорда қайтарилиши ҳукмда қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, фирибгарлик, ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиш инсонийликка ҳам, қонунчиликка ҳам тўғри келмаслигини ва ҳеч қачон яхшилик келтирмаслигини асло ёддан чиқармайлик.

Эгамберди ОЛМОСОВ,
жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Инсон онг-тафаккурини юксалтириш ва ҳатто соғлиғининг тикланишида санъатнинг, хусусан, мусиқанинг мўъжизакор таъсири мавжудки, бу ҳақдаги маълумотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Айтиш жоизки, тиббиётда мусиқа билан даволаш — мусиқа терапияси деб аталади. Бизгача етиб келган кўпгина тарихий манбаларда ҳам мусиқа шифобахш восита сифатида қайд қилинган. Жумладан, буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино асаб ва руҳий касалликларга чалинган беморларни мусиқа билан даволашни йўлга қўйган. Шунингдек, Ал-Хоразмийдан "Иккита усул — сўз ва дори-дармон билан даволашдан қайси бири сизга маъқул?", деб сўрашганида, у: "Учинчиси" деб жавоб берган. Бу гапдан ҳамма ҳайрон қолганида у: "Қадим замонлардан бери касалликларни даволашда сўз, дори-дармон ва мусиқадан фойдаланишади. Менга моҳир созанданинг созидан чиққан куй ҳар қандай доридан яхши таъсир қилади ва ҳамиша шифо ато этади", деб жавоб берган экан.

Антик цивилизациянинг буюк намоёндаларидан бўлган Пифагор, Арасту, Афлотун каби файласуфлар ҳам мусиқанинг инсон руҳиятига ижобий таъсир этишини таъкидлашган. Шунингдек, қадимги Мисрда мусиқа садолари остида туғруқ жараёни бир қадар енгил кечиши амалда исбот қилинган бўлса, Ҳиндистонда жанг майдонида орттирилган жароҳатлар мусиқа билан даволанган. Бундан ташқари машҳур табиб Гиппократ куй билан тутқаноқ ва уйқусизликни бартараф этишга эришган бўлса, Рим табиби Гален илон ва бошқа заҳарли ҳайвонлар чаққанда мусиқадан зиддизаҳар сифатида фойдаланган.

Ҳозирги кунга келиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларида мусиқа терапияси кенг оммалашди ва замонавий тиббиётнинг алоҳида йўналишига айланиб улгурди. Мисол учун Ҳиндистонда миллий куй-қўшиқлар кўпгина шифохоналарда профилактик восита сифатида қўлланилиб келинмоқда. Мадрас шаҳрида мусиқа билан даволовчи шифокор-мутахассисларни етказиб берадиган махсус марказ ҳам ташкил этилган.

Бундан ташқари ҳозирги кунда Хитойда "Овқат ҳазми учун", "Уйқусизлик учун", "Бош оғриғи учун", "Жигар учун", "Ўпка учун", "Буйрак учун оркестрли концерт" каби ажойиб номларга эга бўлган махсус мусиқий альбомлар сотувга чиқарилмоқда.

Янада қизиқарлиси, америкалик олимлар кўпгина илмий-амалий тажрибаларни ўтказиб, тўғри танланган мусиқа оҳанглари, ҳақиқатан ҳам, терапевтик самарага эга экан, деган хулосага келишди. Масалан, Шуберт, Чайковский, Шопен, Лист каби бастакорларнинг романтик мусиқалари руҳий зўриқишлардан халос бўлишга яхшигина ёрдам берар экан. Шунингдек, Бах, Гендель, Вивальди, Кореллилар яратган барокко услубидаги сокин куйлар хотиржамлик кайфиятини бахш этиб, киши ўзини ўнглаб олишига кўмаклашиши исботланган. Мумтоз мусиқа эса кўпроқ диққатни жамлашга, хотира ва идрокни кучайтиришга ёрдам берар экан. Масалан, дунёнинг кўпгина мамлакатларида Моцарт мусиқаси асаб касалликларини даволашда қўлланилиб келинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, нафас олиш тизими учун қўшиқ куйлаш жуда фойдали экан. Айниқса, вокал қўшиқлар куйлаш орқали ҳаттоки бронхиал астмани ҳам даволаш мумкинлиги бугунги кунда аксарият мутахассисларга маълум.

Қуйидаги маълумотлар ҳам мусиқанинг нақадар шифобахш эканлигига далил бўлади. Германияда болалар церебрал фалажлиги деб аталадиган касаллик билан оғриган 12 ёшли Анна исмли қизалоқ ҳолати ёмон бўлишига қарамай мусиқа билан жиддий шуғулланиб, аста-секин аввал юришни, сўнгра жозибали рақсга тушишни ўрганишга муваффақ бўлди. Уни кузатган мутахассислар шунисига ҳам ўзларида йўқ хурсанд эди. Бироқ Анна бу ютуқлари билан чекланмай, инсон иродаси нималарга қодир эканлигини исботлаш мақсадида, машғулотларни изчил давом эттирди. Натижада бир неча танловларда ғолибликни қўлга киритиб, барча иштирокчиларни қойил қолдирди. Машҳур француз актёри Жерар Депардье эса, шифокор тавсиясига кўра, уч ой давомида Моцарт мусиқаларини тинглагач, дудуқликдан фориғ бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Яна бир маълумот: Бразилияда кўз шифокори қабулига келган 60 нафар беморнинг 30 нафарига мумтоз мусиқа тинглаганидан сўнг, қолган 30 нафарига эса, аксинча, тинч шароит яратилганидан сўнг текширув ўтказилганда, мусиқа тинглаган беморларда кўриш қобилияти ошганлиги аниқланган.

Қуйидаги маълумот ҳам кишида ҳайрат уйғотиши табиий. Замонавий услубдаги биологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳатто яхши мусиқа эшиттирилганда ўсимликларда ҳам фотосинтез жараёни кучаяр экан. Олимлар яхши ва ёмон мусиқаларни ўсимликларга эшиттириш орқали жуда ҳайратланарли тажрибага гувоҳ бўлишди. Гап шундаки, салбий кайфият уйғотувчи куйларни, масалан, рокн-рол ва қуруқ даранг-дурунг садоларидан иборат поп мусиқасини эшитган ўсимликлар ўсишдан тўхтаб қолган, ҳатто қуриб-қовжираган бўлса, ёқимли, аллаловчи, майин мусиқа эшиттирилган ўсимликлар эса, гуркираб ўсган. Наботот оламидаги бундай тажрибалар олимларни янада кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказишга ундамоқда.

Хориж материаллари асосида Бобур ЗОҲИДЖОНОВ тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-922. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8138.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰